O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 28 (9.066) * 1998 йил 11 март, чоршанба * Сотувда эркин нархда

ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
қ а р о р и

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1971-1980 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1998 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 март.

Наврўз — умумхалқ байрамида шаҳримизнинг маркази ва гавжум кўчалари, шодиёналар ўтадиган майдонлар қандай кўринишга эга бўлади? Биз шундай савол билан шаҳар бош рассоми Рафаэл Юсуповга мурожаат қилдик.

— Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар комиссияси биз — рассомлар зиммасига масъулиятли вазифа — тантаналар дебочаси бошланадиган Алишер Навоий номидаги Миллий боғни, шаҳримиз кўчалари ва хиёбонларини ўзгача бир руҳда безатишни топширди. Биз бу йилги ишларимизга катта ўзгаришлар киритдик.

1998 йил юртимизда Оила йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан кўпгина ишлар ва паннолар шу санага бағишланган бўлиб, уларда Ватан фаровонлиги ва тинчлиги йўлида ўрнак бўлиб келаётган намунали оилаларни тарғиб қилиш, маънавий

Наврўз

КЎРГАН КЎЗНИ ҚУВОНТИРИБ

қадриятларга эҳтиром руҳида, миллий ўзбекона турмушимизни тасвирий суратлар билан безашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу ишларни амалга оширишда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Безаш» ҳамда «Рассом» ижодий корхоналарининг моҳир рассомлари, мутахассислари сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Баҳор табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Шу сабабли байрам руҳини билдирувчи ранг-баранг паннолар ишланади. Байрам сценарийси бўйича тантаналар ўтадиган майдонда саҳна-кўприклари, ҳаракатга келадиган айланма чархпалаклар ва яна кўпгина безатилган ускуналар ўрнатилади.

Ундан ташқари, Халқлар дўстлиги майдонидаги саккиз қиррали катта темир мосламаларга, Мустақиллик, «Туркистон» саройининг майдонларига, Амир Темур хиёбони ва кўпгина шоҳкўчалардаги биноларнинг пештоқларига паннолар ўрнатилади. Бундан ташқари Наврўз байрами арафасида шаҳримизнинг ҳар бир туманларида «Тасвирий ойина» марказларини барпо этиш кўзда тутилган.

Аминмизки, байрам кунлари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар шаҳримизнинг бу кунги гўзаллигидан ўзгача баҳра оладилар.

Маъмура РЎЗИЕВА
ёзиб олди.

Ободонлаштириш ойлиги

ҲАШАРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги қизғин паллага кирди. Бу умумхалқ ишига жалб этилган барча туманлар, маҳаллалар, бошқарма, корхона ва ташкилотлар Наврўз байрамигача мўлжалдаги баҳорги юмушларни тугаллаш мақсадида уюшқоқлик билан ҳаракат қилишмоқда. Хўш, бу борада Шайхонтоҳур туманида қандай ишлар амалга ошириляпти? Туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Нуриллаев билан сухбатда ана шу саволга жавоб топдик.

— Бу ойликда 70 туп мевали, 80 дона манзарали, 100 та терак, 1250 туп буталар ўтказиш режаланган, — деди у. — Ҳозир ниҳолларни ўтказиш жойларини аниқлаб, экиш учун чуқурчалар ҳозирлаб қўйилди. Хусусан, улар Абдулла Қодирий кўчаси, Жарариқ даҳаси, «Ёшлик» спорт мажмуаси ва Анҳор бўйи ҳудудларидан жой олади. Шунингдек, бир гуруҳ ободонлаштирувчиларимиз кўча бўйи ва хиёбонларда парвариш қилинаётган дарахтларга шакл бериш билан шуғулланишмоқда. Бекатларни ҳам тартибга келтиряпмиз.

Яқинда туманимиз бўйича бир кунлик ҳашар уюштирилди. Бунда барча ҳудудлар тозаланиб, ораста қилинди. Хўжаев, Узоқов, Беруний, Юсупов кўчаларидаги суғориш шохобчалари чиқиндилардан тозаланди.

Туманимизга қарашли 52 та маҳаллада ҳам мана шундай ҳашарлар тез-тез ўтказилиб турилибди. Айниқса, Наврўз, Ҳувайдо, Илғор, Тинчлик, М. Уйғур, Беҳзод маҳаллалари ибрат кўрсатишяпти.

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария» қонунларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони юзасидан ҳам жойларда тушунтириш ишлари бошлаб юборилди. Хусусан, яқинда шу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишимизда санитария қонунчилигини бузганлиги учун маҳалла, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг масъулияти тушунтирилди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Комилжон Раҳимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Бош вазир ўринбосари вазифасидан озод этилди.

◆ Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси аъзолари ташкилий қўмита раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида Фарғона вилоятида бўлиб, бу ерда қомусий алломанинг юбилейига кўрилаётган тайёргарлик ишлари билан танишдилар.

◆ Тошкентда икки кун давомида Ўзбекистон-Швейцария қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Кеча ушбу мажлис якунларига доир протокол ҳамда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Нукус шаҳри канализация тизимини таъмирлаш лойиҳасини амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

◆ Нукусда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессиясида Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида 25 февралда қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

◆ Намангандаги «Намбум» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ёзув қоғозининг намуна туркуми ишлаб чиқарилди. Йилига 5 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонада ёзув қоғози ҳозир целлюлозадан олинаётган бўлса, яқин орада уни чигит тукидан ишлаб чиқариш режаланган.

◆ Бу йил республикада 1,5 миллион гектар майдонда, шу жумладан 550 минг гектар ерда плёнка остида чигит экиш мўлжалланган. Пахта тозалаш заводларида шу майдонларга уруғ қадаш учун етарли сифатли чигит тайёрлаш ниҳоясига етди.

◆ Бугун пойтахтдаги республика Байналмилал маданият марказида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ўтказилган танловда ғолиб чиққан 8 та лойиҳага «Евразия» фонди Марказий Осиё ваколатхонасининг грантлари тантанали вазиятда топширилади. Ана шу танловга 78 та лойиҳа тақдим қилинган эди.

◆ Қўқондаги Ҳамза номли театрда Қўқон хони, сиёсий арбоб ва шоир Амир Умархон таваллудининг 210 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

ЖАҲОНДА

◆ Кеча Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Фармони билан Бирлашган тожик мухолифатчилари етакчиларидан бири Али Акбар Тўражонзода Бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. У МДҲ мамлакатлари билан алоқаларга мутасаддилик қилади. Айни пайтда ҳозир Шимолий Афғонистонда бўлган мухолифатчиларнинг 550 нафар қуролли жангчиларини Тожикистонга олиб келиш бошланди. Улар 20 мартгача шимолий Афғонистондан Тожикистонга қайтиб келиши керак.

◆ БМТнинг Скотт Риттер бошчилигидаги махсус комиссияси аъзолари Ироқда «президент иншоотлари»ни текширишни ниҳоясига етказиб, кеча Бахрайнга келдилар. Улар бу иншоотларда тақиқланган бактериологик қурол турларини ҳамда ракета техникасини топа олмаганликларини маълум қилдилар.

◆ Ҳиндистон Президенти Бхаратия жаната парти партияси етакчиси Атал Бихари Важпаига мамлакат ҳукуматини тузишни топширди. Ушбу партия вакиллари яқинда парламентга ўтказилган сайловда 252 ўринга эга бўлдилар. 8 нафар мустақил депутат ушбу партияни қўллаб-қувватлашини билдирганидан сўнг, парламент қуйи палатасида кўпчиликни ташкил этган Бхаратия жаната парти ҳукуматни тузиш ҳуқуқини қўлга киритди.

◆ 76 ёшли Сухарто еттинчи муддатга Индонезия президенти этиб сайланди. Унга сўнгги вақтда Шарқий Осиёда рўй берган молиявий танглик оқибатида инқироз ёқасига келиб қолган мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун қўшимча жуда катта ваколатлар ҳам берилди.

◆ Симферополда мухторият талаб этаётган крим татарларининг оммавий намойишлари давом этмоқда. Улар шунингдек, Украина ҳукуматидан ўз вақтида юртларидан қувғин қилинганликлари учун товон тўлашни ҳамда уларни Украина фуқаролигига қабул қилиш тартибини енгиллаштиришни ҳам талаб этяптилар. Ҳозиргача бу ерга кўчиб келган крим татарларининг анчагина қисми Украина фуқаролигига қабул қилинмаган.

◆ 22 мартга мўлжалланган парламент сайловлари боришини кузатиш учун Молдовага Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардан кузатувчилар кела бошлади. Бу мамлакат парламентидаги 101 та депутат ўрни учун 1407 номзод кураш олиб бормоқда.

◆ Испанияда НАТОнинг кенг кўламли ҳарбий машқлари бошланди. Унда Шимолий Атлантика ҳарбий блокига аъзо давлатлар билан бир қаторда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида НАТО билан ҳамкорлик қилаётган 10 та давлат қўшинлари ҳам иштирок этмоқда.

◆ Танзанияда ҳозир аниқланмаган касаллик туфайли кунига ўртача 30 киши ҳалок бўлмоқда. Қисқа вақтнинг ўзида бу номаълум касаллик 1000 нафардан кўпроқ кишининг жонига зомин бўлди.

◆ Табиий офатдан зарар кўрган Қирғизистонга турли мамлакатлардан инсонпарварлик ёрдами кела бошлади. Жумладан, Белоруссия Қирғизистонга қурилиш техникаси ва материаллари, дори-дармонлар жўнатди.

◆ Бугунги кунда Москвада 1 квадрат метр уй-жойнинг нархи 700-3000 доллар, Санкт-Петербургда эса 1000 долларгача, бошқа йирик шаҳарларда 700-850 долларга етди.

◆ Жанубий Корея аҳолиси оммавий очлик ёқасида турган Шимолий Кореяга инсонпарварлик ёрдами сифатида 50 минг тонна дон жўнатишга қарор қилди.

Янгиликдан хабарингиз борми?

«БИРИНЧИ ТАЙМ»

«Ўзкинохроника» киностудияси томонидан суратга олинган янги ҳужжатли фильм ана шундай номланади. Режиссёр Шуҳрат Қурбонбоев, оператор Ўктам Ризаевларнинг саъй-ҳаракат, изланишлари туфайли тасвирга туширилган мазкур фильм қисқа бўлишига қарамай, фактларга бой, сермазмун. Уни ишлаш давомида ноёб архив материалларидан кенг фойдаланилди.

— Бугунги кундаги ёш футболчиларимизни «Пахтакор» командаси тарихидаги Красницкий, Абдураимов, Стадник, Моторин, Азизхўжаев, Раҳматуллаев каби энг кучли, маҳоратли, жамоага содиқ ўйинчилар билан таништириш, бу орқали ўтмишдаги ажойиб, шонли анъаналарга содиқ қолиш лозимлигини улар онгига етказиш мақсадида ушбу фильмга қўл урдик, — дейди сценарий муаллифи Тоир Юнусов. — Бу борада маслаҳатчи сифатида собиқ пахтакорчи А. Азизхўжаев бизга катта ёрдам берди. Ишқибозлар, 1956 йилда янги тузилган «Пахтакор» жамоаси, унинг 1960 йиллардаги муваффақиятлари тўғрисида кўпгина ноёб кадрлардан баҳраманд бўлишлари мумкин. Яъни, «Пахтакор» шонли тарихидаги улуғ ўйинчилар ўз фаолиятлари билан биринчи таймни муносиб ўтказишди, энди иккинчи тайм учун навбат ҳозирги ўйинчиларга деган рамзий маъно ҳам бор.

Ўйлаймизки, янги мавсум арафасида «Ўзкинохроника» студиясининг янги фильми футбол ишқибозларига муносиб туҳфа бўлади.

Дилмурод НУРМАТОВ.

КЕЧА

«Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказида «Марказий Осиё — Агрофуд-98» озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси ўз ишини бошлади.

Кўргазмалар

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — АГРОФУД-98»

Кўргазмаларни ташкил қилишга ихтисослашган Германиянинг «Фейртреде» компанияси ва «Ўзэкспомарказ» ҳамкорлигида уюштирилаётган ихтисослашган халқаро кўргазмада жаҳондаги энг сара озиқ-овқатлар, уларни қайта ишловчи техникалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва технологиялари намойиш этилмоқда. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ўтказилаётган кўргазма юртимизда озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш борасида шубҳасиз муҳим ўрин тутади.

— Ҳозир республикамизга янги технологиялар, хорижий инвестицияларни жалб этиш энг долзарб вазифалардандир, — деди биз билан суҳбатда «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказининг директори Бахтиёр Эрматов. — Шу сабабдан мазкур кўргазмани ташкил қилишда инвестиция лойиҳалари, энг янги технологиялар, «ноу хау»лар ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган асбоб-анжомларни келтиришга алоҳида аҳамият бердик. Яъни, кўпроқ инвестиция йўналишидаги технология ва асбоб-анжомларга ўрин ажратдик. Бир қатор хорижий фирмалар маҳсулотларни қадоқлаш техникалари билан иштирок этяпти. Етакчи хорижий фирмалар ва республикамиздаги корхоналар ўртасидаги музокаралар, амалий келишувлар ўз мевасини беради ҳамда юртимизда замонавий технологиялар кўпаяди, деб ўйлайман. Натижада чиройли қадоқланган, сифатли ўзбек маҳсулотларининг жаҳон бозорига чиқишига кенг йўл очилди. Кўргазмага ташриф буюрган мижозлар халқаро бозорнинг жаҳонга яхши танилган вакиллари озиқ-овқат, уни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг янги технологияларни олиб келишганининг гувоҳи бўлишяпти. Биз ҳам ўз навбатида иложи борича кўпроқ Ўзбекистон корхоналари ушбу кўргазмада қатнашиб, хорижий шериклари билан амалий алоқалар ўрнатишлари учун зарур имкониятлар яратишга ҳаракат қилдик. Мақсад келажакда қўшма лойиҳалар асосида Ўзбекистонда кўпроқ харидоргир, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон туғдиришдир...

Дарҳақиқат, Франция, Германия, Италия, Қозоғистон, Литва, Польша, Россия, Швейцария, Туркиянинг «Басф», «Бекум», «Брелио Европа», «Зидель», «Стека», «Маннесманн Демаг», «Нагема» каби машҳур фирмаларининг кўргазмага қўйилган суюқ маҳсулотларни қуювчи, музқаймоқлар ишлаб чиқарувчи, қадоқловчи машиналар, қадоқлаш материаллари, қандолат анжомлари, ёғ ва мойлар, сут маҳсулотлари, парранда ва гўшт маҳсулотлари жаҳон андозалари талабларига жавоб беради.

Илк бор ташкил этилган ахборот стендидан Германиянинг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон саноат маҳсулотлари ўрин олган.

Учинчи бор ўтказилаётган «Агрофуд» кўргазмасининг республикамиз мутахассисларининг кенг доираси учун фойдали бўлиб, Ўзбекистон озиқ-овқат, уни қайта ишлаш ва гўшт-сут саноати ривожида илғор технологияларни жалб этишга йўл очадиган ўзаро манфаатли шартномалар тузиш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасида барқарор алоқалар ўрнатилиши, йўлга қўйилган алоқаларни янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: кўргазмага қўйилган маҳсулот ва технологиялар.
Рашид Галиев олган суратлар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

Анжуманлар

ОИЛА ВА ИҚТИСОД

Молия-банк академиясида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги назорат инспекцияси уюштирган «Оила, иқтисод, маънавият ва мартаба» мавзуида туман фаоллари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Туман ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари Рихси Олимов Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг назорати ҳақида гапириб берди. Анжуманда оила иқтисодининг муаммолари хусусида қизғин мунозаралар бўлди. Туман назорат инспекцияси Оила йилида оилаларнинг тинчтотувлиги ва равнақига алоҳида эътибор қаратиб, бу ишга фаолларнинг барчаси масъул эканликлари таъкидланди. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги уқтирилди.

Гулзода АБДУЛЛАЕВА.

Спорт

МАЙДОНДА ТАЛАБАЛАР

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг спорт мажмуида спортни оммавийлаштириш ҳамда ёш авлодни соғлом руҳда тарбиялаш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани спорт қўмитаси ва «Камолот» жамғармаси, туман бўлими совринлари учун талабалар ўртасида мини-футбол турнири ўтказилди.

Унда олий ва ўрта махсус билим юртларининг жами саккиз жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, технология техникуми талабалари финалда ўзаро учрашди. Унда жисмоний тарбия институти ғолиб чиқиб, бош мукофотни қўлга киритди. Учинчи ўринни эса жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабалари қўлга киритдилар.

Фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга туман спорт қўмитаси, «Камолот» жамғармасининг туман бўлими ва туман ҳокимлигининг мукофотлари топширилди.

Доно РАИМОВА.

«02»

«ТОЗАЛАШ» ТАДБИРИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кенг қамровли «Тозалаш» тадбирини бошлади. Тадбир чоғида нафақат ички ишлар ходимлари, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимлари ҳам иштирок этишиб, профилактик ишларни олиб боришади.

Кейинги пайтда шаҳримизда транспорт воситалари қатнови бирмунча ошиб, ўз-ўзидан кўча ҳаракатида бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, айрим ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлиги, спиртли ичимликлар ичиб, транспорт воситаларини бошқариши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиб, ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Болалар ўртасида содир бўлаётган жиноятлар ҳам ҳеч бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимини четда бефарқ қараб туришга йўл қўймайди. Болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилаётган жиноятлар сонини камайтириш ҳам «Тозалаш» тадбиридаги энг асосий ишлардан ҳисобланади. Бу тадбирда бутун шахсий таркиб иштирок этмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

137,152,162,169,170,173,191,195-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йилнинг 1 мартидан бошлаб

ана шу АТСларда маҳаллий сўзлашувларни ҳисоблайдиган вақтбай усул жорий этилган. Ой давомида умумий давомийлиги 180 дақиқа (лимит) гача бўлган сўзлашувлар учун белгиланган тарздаги абонентлик ҳақлари тўланади. Белгиланган лимит вақтидан ортиқ бўлган сўзлашувлар учун эса қўшимча тарзда ҳисоб бўйича сўзлашувларнинг ҳар бир дақиқаси учун 30 тийин ҳажмида ҳақ олинади.

Ҳисоб ойи ниҳоясига етганидан сўнг ҳисоблар абонентларга почта орқали етказилади.

Абонентларга февраль ойи учун ҳисобларни танишиш учун жўнатилади. Бунда фақат ўша ой учун абонентлик ҳақи тўлаш керак бўлади.

Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.

ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОКЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Тошкентда тайёрланган

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ ИШҚИБОЗ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Расон» ишлаб чиқариш корхонаси бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорларига эга бўлмоқда. Мармар кукунидан сантехника жиҳозлари тайёрлашга ихтисослашган бу кичик корхона қисқа муддатда маҳсулот сифатини юксак даражага кўтаришга мувофиқ бўлди, ҳамда ички бозорда ўзининг ҳақиқий харидорини топди. Айниқса, «Ўзэкспомарказ»да охирги марта қурилиш индустрияси ҳамда маиший техника соҳасида ўтказилган халқаро кўргазмага қатнашган «Расон» корхонаси ўз маҳсулотлари билан эътиборга сазовор бўлди. Кўргазмада 11 мамлакатдан қатнашган 30 дан ортиқ фирмалар вакиллари корхона келажагига ишонч билдирдилар. Улар орасида Австрия, Германия, Голландия, Швейцария сингари хориж мамлакатлари ҳам бор.

Кичик корхона жамоаси илк ташкил этилган кунларда компьютер ҳарфларини ўзбекчалаштириш билан шуғулланар эди. Кейинчалик эса бундай фирмалар сафи кенгайиб кетди. Шунда кичик корхона аҳли тадбиркорлик йўлини тутди.

— Биз Исроил давлати мутахассислари билан бир неча йиллардан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди корхона раҳбари Ғайрат Тожиев. — Бир сафар бу мамлакатга борганимизда у ерда машҳур «Азген» фирмасининг сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхонасида бўлдик ва уларнинг ишлари билан танишдик. Шунда улар бизга сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича кичик корхона очишни таклиф қилдилар. Бу таклиф шуниси билан маъқул бўлдики, маҳсулот тайёрлашда ишлатиладиган хом ашё ўзимизнинг республикамизда мавжуд эди. Албатта, четдан келтириладиган хом ашёдан тайёрланган маҳсулотнинг нархи уни сотиб олиш, олиб келиш учун кетадиган сарф-харажатларга боғлиқ. Шу сабабдан ўзўзидан аёнки, хом ашё ўзимиздан бўлса маҳсулотларнинг нархи ҳам харидор талабига жавоб беради.

Бу таклифни амалга ошириш йўлида кичик корхона иш бошлаганига уч йил бўлди. Исроилдан келтирилган замонавий технология асосида ҳозир корхонада мармар кукунидан 30 дан ортиқ турдаги сантехника жиҳозлари тайёрланмоқда. Яна шуниси қувонарлики, корхона ишбилармонлари қисқа фурсат ичида янги технологияни нафақат ўзлаштириб олдилар, балки унга ўз кучлари билан ўзгартиришлар киритишди ва шу технология асосида янги турдаги ванна, унитаз, раковина ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйдилар. Маҳсулотларнинг кўриниши ва сифати харидорлар талабига тўла жавоб бермоқда. Шу туфайли бўлса керак қўшни давлатлар ҳам бу маҳсулотларга кўплаб харидор бўлишмоқда.

Мана икки йилдирки жамоа қўшни Қозоғистон мамлакатига маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйган. Ўтган йили улар бу давлатга 60 минг долларлик сантехника жиҳозлари етказиб берган бўлсалар, бу йил эса мақсадлари ундан бирмунча ортиқроқ маҳсулот сотишдир.

— Бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ўзининг экспорт салоҳиятини аниқ белгилаб олиши зарур, —дейди Ғайрат Тожиев. — Мана кўриб турганингиздек биз бу соҳада бирмунча қадам ташладик ва ўз йўлимизга эгамиз. Лекин бизнинг асосий мақсадимиз, аввало ички бозорни таъминлашдир. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда қурилаётган улкан ва гўзал иншоотларга, кўркам тураржой биноларга биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар зарур. Шунинг учун ҳам аввало маҳсулотларимиз ўзимизнинг халқимизга манзур бўлишини, улар учун хизмат қилишини истаймиз. Бугун маҳсулотларимизга талаб катта. Ана шундан билсак бўладики, озмикўпми биз мақсадимизга эриша олдик.

«Расон» яқинда Фарғона вилоятида ўзининг биринчи филиалини очишга муваффақ бўлди. Агар филиал тўла қувват билан ишласа 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Бундан ташқари биринчи ярим йилликда Самарқандда очилиши мўлжалланаётган кичик корхона ҳисобига «расон»чилар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни мўлжаллаб туришибди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу икки шаҳардаги янги линиялар ўзлари яратган технология ва асбоб-ускуналар асосида ишлайди.

Бу йил корхона жамоаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга янги маҳсулот турларини ҳам тайёрлашга муваффақ бўлишди. Булар турли фойеларнинг зиналарини безашда ишлатиладиган манзарали безаклардир. Бу безаклар ҳам харидорларга маъқул бўлмоқда. Улар ҳар доим изланишда, янги, сифатли ҳамда чиройли маҳсулотлар яратиш иштиёқида меҳнат қилишади. Улар исроиллик мутахассислар билан ҳамкорликда канализация тармоқлари учун пластик қувурлар ҳамда шишасимон мато (стеклоткан) дан фойдаланиб қурилиш материаллари — шиферлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаб қўйишган.

Жорий йилда корхона маҳсулотларига жуда кўплаб буюртмалар тушган. Бунга сабаб улар ишлаб чиқараётган сантехника жиҳозларининг биринчи навбатда сифати, иккинчидан эса нархи харидорни қониқтиришидадир. Энди рақобат масаласига келсак, ҳозирда у билан рақобатлаша оладиган бирорта корхона йўқ, чунки «Расон» фақат 25 фоиз хом ашёни четдан келтиради. У 75 фоиз ўзимизнинг хом ашё ҳисобига сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарадиган республикада ягона корхонадир. Асосий хом ашё Ғазалкент ва Олмалиқ шаҳарларидан олинади.

Корхона ишчиларининг барчаси юксак малакага эга. Шунинг учун бўлса керак улар янгиликни тезда ўзлаштириб олишади. Айниқса, Радик Шангариев етакчилигидаги қолиплаш цехи ишларини кузатар эканмиз бунинг яққол гувоҳи бўлдик. Цехнинг Геннадий Лаврененко, Сергей Огарков сингари қолипловчилари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишади, бирбирларига ҳамиша ёрдам беришади. Бу цехда доимо иш қизғин давом этади, чунки маҳсулот кўринишида нуқсонлар бўлмаслигига ана шулар масъулдирлар.

Расончиларнинг муваффақиятлар сари дадил одимлаётганини яна шундан ҳам билса бўладики, яқинда улар яна бир таклифнома олдилар. Таклифнома немис фирмаси томонидан юборилган бўлиб, улар «Расон» корхонасининг ўзлари ташкил этган савдо-саноат ярмаркасига қатнашишини сўрашган. Ишонамизки, улар бу кўргазмада ҳам муваффақият билан иштирок этадилар.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТЛАРДА: ёш, лекин моҳир ишчи Леонид Киселев ностандарт жиҳозлар тайёрлаш цехининг фахри ҳисобланади, у ўз ишини пухта ўзлаштириб олган; корхона ишбилармонларининг ўзлари яратган технология асосида тайёрланган ванналар; буюртмачи маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Рашид Галиев олган суратлар.



Бундан беш йил аввал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатимизда ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган эди. Бу қарорга «Рационализаторлик фаолияти» деб номланган қоида ҳам илова қилинганди.

Қарор ва ижро

ИЗЛАНИШ, САМАРА ВА НАТИЖА

Ушбу муҳим ҳужжатлар Ўзбекистонда техника ижодкорлигини кенг йўлга қўйишга қаратилган асосий йўриқномалар бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шу ўтган беш йил ичида республикамиз саноат ишлаб чиқаришнинг йирик соҳаларида бўлгани каби транспорт тармоғида ҳам кўплаб техника янгиликлари амалиётга татбиқ қилинди. Буни Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси таркибидаги саноат тармоғи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Чиндан ҳам уюшмага қарашли транспорт корхоналари, сарой ва жамланмаларда техника ижодкорлиги йил сайин кенг қанот ёзиб, ривожланиб бормоқда. — дейди уюшма ишлаб чиқариш-техника бош бошқармаси бошлиғи Эгамназар Ғоибназаров. — Тармоғимизда илмий-техникавий жараёнларни жадаллаштиришда рационализатор ва ихтирочиларнинг фаолияти асосий ўрин тутмоқда.

Транспортчи техника ижодкорларининг изланишлари уюшмамиз корхоналари ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтаришга бевосита хизмат қилмоқда. Ҳаракат таркибига намунали техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш, эскириб қолган турли механизм ва ускуналарни қайтадан туб созлаш, қатор мослама ва эҳтиёт қисмларни янгидан тайёрлаш устида ҳам ихтирочиларимиз самарали изланмоқдалар.

Бундан ташқари юк ортиш ва туширишишларини механизациялаш ва шу асосда оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш, хом ашё, материал ва ёнилғи-энергия манбаларини тежаш борасида эришаётган ютуқларимизда ҳам ихтирочи ва рационализаторларимизнинг муносиб ҳиссалари бор, албатта.

Ўтган йилнинг ўзида 140 дан ортиқ техника янгилиги юзага келди. Қувонарли томони шундаки, бу изланишларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий қилинди.

Бу техника ижодкорликлари эвазига биз 3 миллион 438 минг 496 сўмлик иқтисодий самарага эришдик. Агар биз уюшманинг автотранспортга доир тармоғини мисол қилиб оладиган бўлсак, шу соҳа ҳаракат таркиби бўйича 65 та таклиф киритилди. Бундан автокорхоналаримиз 2 миллион 521 минг 985 сўмлик маблағни тежаб қолишга муваффақ бўлинди.

Ер устки электр транспорти бўйича ҳам яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Ўтган йили трамвай, троллейбус саройларида ҳамда шу тармоқ ҳаракат таркибида юзга яқин техника ихлосманди изланиш билан банд бўлди. Бундай ишланмалардан 42 таси яхши рационализаторлик ишлари деб топилди. Шулардан 23 таси ўз вақтида амалиётга тадбиқ қилинди. Натижада биз 604 минг сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолдик.

Гап ер устки электртранспорти техника ижодкорлиги тўғрисида бораётган экан, шу ўринда 2-троллейбус саройи ихтирочи ва рационализаторлари ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу корхонага ишбилармон ва тадбиркор транспортчи муҳандис Ҳикмат Юсупов раҳбар бўлиб келгандан сўнг иш юришиб кетди. Айни вақтда кўпгина техникавий ўзгаришлар юз берди.

Техника янгиликлари изловчилари ҳаракати ҳам янада жонланди. Саройнинг техника бўлими бошлиғи Юрий Ижурков, муҳандис-техник кадрлар бўлими бошлиғи Олимжон Ҳакимов ва бошқа жонкуяр раҳбар ходимлар саройда техника ижодкорлиги ривожига яқиндан бош қўшиб келмоқдалар. Кўрилаётган бу каби техник тадбирлар транспорт воситаларини таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш борасида рўй бераётган молиявий қийинчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган йили саройда амалга оширилган техник янгиликлар сони анча ортди. Бўлим бошлиғи Ю. Ижурков киритган таклиф «Шкода» ва «ЗиУ-98» русумли троллейбуслар редукторларини соз таъмирлашга қаратилди. Бу билан 50 минг сўмлик фойда кўрилди.

Шунингдек, «Шкода» троллейбусларини ёриткич чироқларини янгилари билан алмаштиришга қаратилган ихтиро 28 минг сўмлик маблағни тежаш имконини берди. Муҳандис О. Ҳакимовнинг самарали изланиши туфайли саройда «Электроника ижодхонаси» юзага келди. Бу тадбир ҳам энг яхши ихтиро сифатида эътибор топди.

Эндиликда бу ижодхона хизматидан трамвайтроллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бошқа троллейбус саройлари ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. 3-троллейбус саройи буюртмаси билан транспорт воситаларининг электр жиҳозларини созлаш ҳам йўлга қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам йўловчи транспортини техник жиҳатдан қуроллантиришда Тошкент шаҳар йўловчи транспорт корхоналари давлат уюшмасининг ихтирочи ва рационализаторларининг қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Самиғ ака «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасига қарашли 3-автокорхона саройидан бехад қувониб чиқди. Уни ҳамкасблари ниҳоятда эъзозлашлари ва ҳурмат қилишларини бунчалик тасаввур қилмаган эди. Оддий ҳайдовчига тақдим этилган анвойи гуллар, эсдалик совғалари, айтилган ёқимли сўзлар унга янада куч-қувват бағишлади.

Касбнома

ЙИГИТ УМРИГА ТЕНГ

Ҳа, умр оқар дарё экан. Моҳир ҳайдовчининг машина чамбарагини айлантирганига 40 йил бўлибди-я. Шунча йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетибди. У ширин хаёллар оғушида бораркан ёшлигини эслади.

Ўспиринлик даврлари шўх ўтган С. Холиқов ўрта мактабни ҳам битирди. Синфдошлари турли институтларни орзу қилишганида у ҳайдовчиликни танлади.

— Ўшанга ҳам мана 40 йил тўлибди, — дейди суҳбат чоғида С. Холиқов. — Касбимдан мутлақо нолимайман. Оддий бўлса ҳам эъзозли касбим туфайли оилали бўлдим, тўй қилдим, элга дастурхон ёздим. Шукрки, ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Маҳаллада ҳам обрўйим яхши. Тўй ва маъракаларда имконият борича хизмат қилишга ўрганиб қолганман.

Самиғ ака касбига содиқ. У биринчи навбатда ўзининг устозларидан фахрланади. Шаҳар йўловчилари орасида тадбиркор ва ҳалоллиги билан довруғ қозонган Исҳоқ Исмоилов ва Султон Умрзоқовларни ким танимайди дейсиз. Самиғ ака ана шу табаррук устозлар изидан борди, уларнинг панд-насиҳатларини бир умр эслаб қолди. Шунинг учун ҳам у «миллионер» ҳайдовчилар сафини тўлдирди, миллион чақирим масофани йўловчилар автобусида босиб ўтиб шоҳсупага кўтарилди. Бу катта муваффақиятни бошқача маънода қиёсласак, «Самиғ ака Ер шарини машинада 26 марта хатарсиз айланиб чиқди».

Давлат рақами 02-32 ТНИ «Мерседес-Бенц» русумли машинаси, «Навоий театри — 2/4 Қорақамиш» мавзеси орасида 85-йўналиш бўйлаб ҳаракат қилади. У кўпчилик йўловчиларнинг назарига тушиб қолган. Машина кабинасида ўтирган С. Холиқовни кўрган таниш йўловчилар унга бир жилмайиб қўядилар, манзилларига етгач «раҳмат» айтишни унутмайдилар.

Касб маҳоратини кундан-кунга ошириб бораётган I-тоифали ҳайдовчидан ўз навбатида шогирдлари ҳам мамнун. Чунки, Самиғ ака «Кекса авлод ҳайдовчилари» мактаби тажрибасини ўзига кундалик иш дастури қилиб, шогирдларига ҳам уни ўргатиб ана шундай мартабага эришди. Ишчан Фатхулла Саъдиев, Турғун Ҳожиматов, Жамил Сайфулин, Абдуқаҳҳор Мавлоновлар Самиғ ака билан ёнма-ён туриб пешона тер тўкишларидан қувонишади ва фахрланадилар.

— Бир кунда охирги бекатга 22 марта борибкеламан ёки 300 чақирим масофани босиб ўтаман, — дейди биз билан суҳбатда С. Холиқов. — Хизмат тақозоси билан турли касб эгаларини учратаман. Айниқса, эрталабки тиқилинч пайтларда автобусга чиқишдаги турли ҳолатларни кўп кўраман. Шунда микрофон орқали одамларга яхши муомала қилишни эслатаман. Бу усул жуда фойда беради, хизмат кўрсатиш маданиятини юксак самарадорликка олиб чиқади.

Биз устоз ҳайдовчи билан хайрлашар эканмиз унга «Йўлингиз ҳамиша бехатар бўлсин, Самиғ ака» дея тилак билдирдик.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

СУРАТДА: ўз касбининг фидокори Самиғ Холиқов.

Равиль Махмутов олган сурат.

Бандлик

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Халқнинг маънавиятини, маданиятини кўтариш, юртимизнинг равнақи, истиқболи учун хизмат қиладиган кадрларни тайёрлаш вазифаси бугунги кунда сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Хўш, бу борада «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида қандай ишлар олиб борилмоқда? Биз бу хусусдаги ўзимизни қизиқтирган бир неча савол билан корхона кадрларни қабул қилиш ва тайёрлаш марказининг раҳбари Олима Бақоевага мурожаат қилдик.

— Олима Атоевна, суҳбатимиз бевосита кадрлар масаласига боғлиқ бўлганлиги учун даставвал ўз кадрлик фаолиятингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз?

— Мен ўз иш фаолиятимни 1979 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тўқимачилик факультетини муҳандис-технолог ихтисослиги бўйича тугатганимдан сўнг, орадан бирмунча вақт ўтиб биринчи йигирув-тўқув фабрикасида усталикдан бошлаганман. 1993 — 97 йиллар мобайнида эса комбинат тасарруфидаги 16-ҳунар-техника билим юртида (ҳозир лицей) уста, ўқитувчилик, ишлаб чиқариш ва ўқув ишлари бўйича раҳбар муовини лавозимларида ишладим. Ўтган йилдан эса шу ерда, кадрлар бўлимида раҳбар лавозимида фаолият кўрсатяпман.

— Комбинатга кадрларни қабул қилиш тартиботида қандай ўзгариш ва янгиликлар бор?

— Ҳозирги кунда ҳафтасига 80—90 нафар киши ишга қабул қилинмоқда. Уларнинг барчаси шаҳар ва шаҳар атрофидан. Агар уларнинг тахминан 60—65 фоизи шаҳардан бўлса, қолганлари ҳам комбинатдан автобус қатнови йўналиши тизими йўлга қўйилган жойлардан. Гарчи ишга қабул қилиш жараёнида айтарли янгилик бўлмаса ҳам, ижобий томонга силжиш ва ўзгариш бор. Бу борада ишга қабул қилинаётган ишчи билан суҳбат ўтказиш бирламчи вазифамиз бўлса, у ишга қабул қилингандан кейинги фаолияти билан қизиқиш иккиламчи вазифамиздир. Ишга қабул қилинган ишчининг маълум бир вақтдан кейин ишдан бўшаш ҳақида ариза кўтариб келмаслиги учун бугун қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

— Ишга қабул қилинаётган ишчилар билан ишдан бўшаб кетаётган ишчилар ўртасидаги тафовут қандай?

— Бугунги кунда ишдан бўшаб кетаётганларга нисбатан ишга қабул қилинаётганлар кўпчиликни ташкил қилмоқда, ишдан бўшаб кетаётганларнинг аксарияти 1996 — 97 йиллар мобайнида ишга қабул қилинган янги ишчилар эканлигини, уларнинг ҳам бир қисми оила қурганлиги ва яшаш жойини ўзгартирганлиги муносабати билан ишдан кетаётганлигини ҳисобга олсак, комбинатдан бирон-бир узрли сабабсиз ишдан кетаётган ишчиларни учратмаймиз. Бунга, ишдан кетаётган кадрларнинг тўхтамга келишига сабаб, корхонада иш ҳақининг кескин кўтарилганлигидир. Буни ишлаш истагини билдирган кишиларнинг сони кун сайин ошиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади.

— Кадрлар билан ишлаш масаласи қандай йўлга қўйилган?

— Кадрлар ва ўқувчилар билан ишлаш фақатгина кадрлар бўлими ходимларининг вазифаси бўлиб қолмаслиги керак. Бу вазифага цех жамоасини ҳам жалб қилиш лозим. Негаки, ишчи ишга қабул қилингандан сўнг, ўз жамоасида яхши кутиб олинса, унга тушунтириш ишлари олиб борилса, ишчининг келгуси фаолияти учун мустаҳкам замин яратилади. Ишчининг муҳим ишлаб қолиши учун кўп нарсалар айнан ана шунга бевосита боғлиқ.

Мурод АЛИ.

Лўқма

УЙ БЕРИШДИ, ГАЗ-ЧИ?

Шундай қилиб мулла Насриддин уйли бўлди. Увадаси чиққан бинодан қутилди. Унга шаҳарнинг энг сўлим гўшаларидан бирида қурилган кўп қаватли бинодан уй беришди. Кўчар чоғи Афанди тушмагур эшак-аравасига ўтин ортса бўладими?

— Мулла Насриддин, энди сиз яшайдиган уйда қора ўчоқ бўлмаслигини биласизми, ўзи? — дейишди қўшнилари мазах қилгандай кулишиб.

Бунга сари Афанди ҳам шундай деди: «Эҳтиёти шарт. Газ бўлмай қолса, ўтин ёқавераман-да. Овқатсиз ўтирмайман-ку, ахир».

Мулла Насриддиннинг билганича бор. У кўчиб борган уйда ҳали замон газ бўлмас экан. Ўтинсиз келган қўшнилар зир югуриб юришибди. Афанди эса ҳовлига қозон осиб, ўтин ёқди ва бемалол ошини пишираверди.

Буни бир ривоят деб тушунишингиз мумкин. Ихтиёрингиз, ҳақиқатда эса азим шаҳримиз Тошкентнинг Талабалар шаҳарчаси ҳудудига яқин Форобий кўчаси юзида бунёд бўлган янги турар жой мавзесидагилар мана бир йилдирки газсиз ўтиришибди. Баъзилар электрда чой қайнатиб, овқат пиширишса, баъзилари эса кўчага қозон осишади ёки шу яқин атрофдаги ошхоналардан овқат келтиришади. Қиш ичи пальтога ё кўрпага ўралиб тунлари дийдираб чиқишган бўлса, газ берилмаганидан фиғонлари фалакка чиқмоқда. Иссиқ ва совуқ сувга базўр ёлчишди. Газдан эса ҳамон дарак йўқ.

10, 11, 12, 13 ва 14-уйларнинг кўпгина хонадонларига ҳали эгалари газ берилмаганлиги сабабли кўчиб кела олишмаяпти. Айниқса, 10-уйда истиқомат қилаётганларнинг ҳолига ачинасиз. «Янги уй муборак» дея келувчи меҳмонларга овқат у ёқда турсин, бир пиёла чой тутишнинг ҳам сира иложи йўқ. Бу ерда яшовчиларнинг арз қилмаган, кириб-чиқмаган идоралари қолмади ҳисоб. Зора бу мақолани ўқиган мутасадди раҳбарлар у ердагилар аҳволидан хабар олиб уларга ҳамдард бўлишса.

Нурилла АЛИМОВ.

Ҳамкорлик

ЯПОН ЭЛЧИСИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида шу университет қошида очилган япон тилига чуқурлаштирилган лицей талабалари билан Японияниング Ўзбекистондаги элчиси, жаноб Коичи Обата билан учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан элчи жаноблари икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳар иккала халқ маданияти, урф-одати, тарихини ўрганишда тил муҳим восита эканлиги ҳақида гапирди ҳамда лицей талабаларига Японияда чоп этилган бир неча хил япон тили дарслигини тақдим этди. Биз учрашув сўнгида элчи жаноблари билан мулоқотда бўлдик.

— Авваламбор шуни айтмоқчиманки, Японияда ҳукумат каби хусусий ташкилотлар ҳам талабалар алмашиши бўйича бир неча лойиҳалар устида иш олиб борадилар, — деди жаноб Коичи Обата. — Мана шу лойиҳалар бўйича талабалар асосан ёз фаслида алмашилади. Масалан, айтайлик, ўзбекистонлик талабалар Японияга борсалар ёки япониялик талабалар Ўзбекистонга келсалар, улар оилаларда яшашади. Бу эса ҳар иккала халқ маданияти, урф-одати билан яқиндан танишиш ва ўрганиш учун жуда яхши имкониятдир.

Бундан ташқари халқларимизнинг урф-одатини, маданиятини, тарихини, иқтисодиётини чуқурроқ ўрганиш учун тил ўрганиш жуда муҳим ва асосий восита деб ҳисобланади. Шу йўналишда Япония билан Ўзбекистон ўртасида бир нечта амалий ишлар амалга оширилди. Масалан, бундан беш йил муқаддам Тошкент Давлат шарқшунослик институтида япон филологияси факультети очилган эди. Мана ҳозирги кунда шу факультетнинг биринчи қалдирғочлари ўқишни тугатиш, япон тили бўйича мутахассис бўлиб етишиш арафасида туришибди. Мен бундан жуда хурсандман. Чунки Ўзбекистонда япон тилини ўқитиш бўйича биринчи ўқитувчилар етишиб чиқмоқда. Бундан ташқари, жаҳон тиллари университети қошида япон тили бўйича чуқурлаштирилган лицейнинг иш бошлаши мени яна бир карра жуда қувонтирди. Ўйлайманки, бу япон тилини ўрганишни истовчилар учун жуда катта имкониятдир.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Президентингизнинг юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайман. Япония ҳукумати бу йўналишда Ўзбекистонга ёрдам беришга тайёр.

Очил ХАЗРАТОВ ёзиб олди.

1998 — Оила йили

ОТА-ОНАНГ ҚАРИСА...

(Ҳикоят)

Ота-она бахтиёр эканлар: кўзларининг оқу қораси бўлган фарзандлари соғлом, бақувват бўлиб ўсарди. Унинг бири биридан ширин қиликлари ота-онани беҳад шодлантирарди.

Умр деганлари оқар сув, чопқир тулпор. Ҳаҳув деганча бола алп йигит бўлди-ю ота-она чол-кампирга айланди. Таралла билан ўсган фарзанд дастлаб боши боргунча, оёғи етгунча айшу ишрат қилибди. Яхшиям оқсоч кампир билан унинг хизматкор эри бор экан. Уларнинг иккови чол-кампирнинг оҳини озода қилиб ўтиришар экан.

Шаҳдам одимлар билан юрадиган, ораста кийинадиган, ёнидан пул аримайдиган йигитнинг ота-онасига ҳамма ҳавас билан қарашар:

— Ота-онасини гулдек қилиб қўйган бўлса керак, — дейишарди доим.

Бир куни қариялар мажлисига қатнашган йигит ибратли ҳикоятларни, ҳаётнинг баланд-пасти ҳақидаги суҳбатларни эшитибди. Ҳайрлашар чоғи қўлини кўксига қўйиб:

— Отахонлар, — дебди, — чол-кампирнинг дуосини олишим учун нималар қилишим керак?

Соч-соқоли қордек оппоқ оқсоқол йигитга меҳр ва ажабланиш билан қарабди, кейин унинг елкасига қоқиб дебди:

— Отанг қариса қул олма, онанг қариса чўри олма, дейди халқимиз. Шунга амал қилсанг асти кам бўлмайсан.

«Осон экан-ку, — ўйлабди йигит, — шу бугунок бу маслаҳатга амал қилганим бўлсин».

Йигит уйга келгач оқсоч аёл билан унинг эрини рози қилиб, жавобини бериб юборибди. Энди бутун юмуш йигитнинг ота-онасига қолибди. Кампир уй супурар, ош-овқатга уннар, кир ювар экан. Чол бўлса бутун рўзғорнинг юмушини бажарар экан. Бир пиёла чой устидаги суҳбатларда:

— Уғлимиз камхаржроқ бўлиб қолибди-да, бўлмаса оқсоч кампир ўзимизнинг синглимиздек бўлиб кетган эди. Иссиқ-совуғимиздан хабардор бўларди, — дейишарди. — Ҳай, майли, бу кунлар ҳам ўтар.

Кунлардан бир куни маҳалла отахонлари йигитнинг ота-онасини кўргани кирибдилар. Чолнинг боғда, кампирнинг ҳовлида ивирсиб юрганини кўриб, бош чайқашди.

— Ҳа, боласи тушмагур-а, — дебди соч-соқоли қордек оппоқ мўйсафид, — бу нима қилиқ? Ахир ота-онангни қийнаб қўйибсан-ку?!

— Айтганингизни қилдим, — бўш келмади йигит ҳам, — «Отанг қариса қул олма, онанг қариса чўри олма» деган эдингиз... Мана, уйдаги жория аёлга, унинг эрига жавоб бериб юбордим.

— Сен айтганларимни тушунмабсан, — деди мўйсафид, — «Отанг қариса қул олма» деганим, ўзинг отангга қулдек садоқат билан хизмат қил деганим, «Онанг қариса чўри олма» деганим, онангга худди чўридек хизмат қилгин деганим эди. Ана шундагина ота-онангнинг асл фарзанди бўлиб, дуосини оласан.

Йигит қилган хатосини тушуниб етибди. Шу-шу ҳар куни саҳар туриб ота-онасини парваришлаб, уларнинг кўнглини хушнуд этадиган бўлибди.

Гоҳо-гоҳо шундай хонадонларга кириб қоламану уларнинг соҳиблари бўлган арслондек йигитларга, дилбар қизларга: «Отанг қариса қул олма, онанг қариса чўри олма» деб уқтиргим келади...

Ғолиб МИРЗО.

Госсипол асосида хламидий — бепуштлик касаллигига қарши гозалидон препарати кашф этилиб, клиник синовлардан муваффақиятли ўтди. Бу кашфиёт Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институтида кимё фанлари доктори Аминжон Исмоилов ва тиббиёт фанлари доктори Санжар Носировлар бошчилигида амалга оширилди.

Фан

СИНОВДАН ЎТГАН ДОРИЛАР

— Институтимиз ўсимлик ва тирик организмда кечаётган жараёнларнинг биологик кимёсини ўрганиш ва уларни қайта ишлаш бўйича янги технологиялар яратиш, шу билан биргаликда ўсимлик зараркунандаларига қарши экологик тоза моддалар олиш билан ҳам шуғулланади, — дейди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, кимё фанлари доктори Аббосхон Тўраев. — Ҳозир еттита фундаментал мавзу ва олтита амалий йўналишда иш олиб борилади. Бу ишлар халқ хўжалигининг бугунги талабларини, республикада кимё, биология фанининг фундаментал тараққиётини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Шу йўсинда бир қанча ютуқларга эришилган. Жумладан, соғлиқни сақлаш учун ўта муҳим бўлган бир неча ўнлаб дори-дармон ишлаб чиқарилди.

Шу вақтгача пахта ёғидан госсипол моддасини ажратиб олиш технологияси ихтиро қилинган. Бу моддани тиббиётда турли касалликларни даволашда қўллаш устида катта илмий ишлар олиб борилган. Бу илмий йўналиш шаклланиб, ҳозирги кунда мегасин, госсиполнинг уч фоизли линименти, батридан сингари янги доривор моддалар тиббиётда қўлланиляпти. Институтда жуда катта миқдорда тиббиётда қўлланиладиган материаллар олиш устида кенг кўламли ишлар амалга оширилляпти. Бу материаллар асосан целлюлоза ва унинг ҳосилалари ҳамда бошқа синтетик полимерлар асосида яратилмоқда. Хусусан йирингли яраларни тузатиш мақсадида гелецел дея номланувчи сорбентлар ишлаб чиқарилди. У яра устига сепилса, унинг йирингини тортиб олади. Бунда одамни безовта қилувчи оғриқлар сезилмайди. Сорбент — гелецел ҳамда унинг ҳосиласидан бактерияларга қарши хлороцел препарати вужудга келди. Қон тўхтатувчи салфетка юзасидан олиб борилган амалий ишлар ҳам ўзининг ижобий самарасини берди. Бугунги кунда янги қон тўхтатувчи гемоцел — жарроҳлик салфеткаси тиббиётда асқотмоқда.

Ультратўлқинли товуш диагностикасида ишлатиладиган контактли муҳит яратиш устида изланишда бўлиниб полижел тайёрланди. Полижел ўзининг сифатлари билан ташқаридан келтириладиган шунга ўхшаш моддалардан қолишмайди. Аксинча, баъзи хоссалари билан улардан устунликка эга. Бу ишлар институтнинг кимё целлюлозаси тажрибахонасида профессор Аббосхон Тўраев бошчилигида амалга оширилди. Ҳозирда полижел институт тажриба базасида ишлаб чиқарилиб, республика эҳтиёжини қондиряпти.

Академик Шавкат Солиҳов бошчилигида бақа танасидан кардиотроп препарати ажратиб олинди. Ҳозирда унинг тиббий ва кимёвий хоссалари текшириляпти. Бу доривор модда юрак хасталигини даволаш мақсадида қўлланилади.

Институтда янги технологиялар яратиш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилляпти. Хусусан, ўзида госсипол моддасини кам сақловчи кунжара олиш технологияси ишлаб чиқилди. Ва у айни кунларда Қарши ҳамда Гулистон ёғ-мой заводларида амалиётда қўллаш учун технологик линия ташкил қилинди. Кейинги ўн йил давомида академик Абдували Абдуваҳобов раҳбарлигида пахта зараркунандаларига (кўсак қурти) қарши ферамон ўйлаб топилди. Эндиликда ферамон тўпламлари хўжаликларга етказиб бериляпти. Бундан ташқари институт олимлари сифатли ёғ олиш, янги хил бўёқлар кашф этиш ишлари билан ҳам шуғулланишяпти.

Ҳозирда институт хорижий доришунослик фирмаси билан «Биомед» қўшма корхонасини тузди ва у яқин кунларда фаолият кўрсатиш арафасида. Шунингдек, келгусида Малайзия билан ҳам дори ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш режалаштирилган. Америка, Германия, Россия, Покистон ва бошқа давлатлар билан ҳам узвий илмий алоқалар ўрнатилган.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.



Пиру бадавлат бўлиб фарзандлар ардоғида кексалик гаштини суриб яшаш нақадар завқли! Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Белтепа маҳалласида истиқомат қилувчи Шарофат ая Тошмуҳамедова ана шундай бахтга мушарраф бўлган табаррук онахонларимиздан.

— Ёшим саксондан ошган бўлса-да ҳали бардамман, — дейди Шарофат ая. — Болаларимни, келинларимни дуо қилиб, уларнинг бахтини кўриб ўтирганимга Яратганга шукроналар айтаман. «Болаларимнинг боласи — қантак ўрикнинг донаси» деганларидек, невара ва эвараларим билан бўлиб чарчашни ҳам сезмайман. Уларнинг чуғурлашиб айтган ҳар битта сўзидан ҳузур қиламан. Илоё уларнинг ҳам тўйларини кўриш насиб этсин, дастурхонимиз бут, ҳаётимиз фаровон ва серфайз бўлаверсин. Оилалар, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат бундан ҳам зиёда бўлсин.

СУРАТДА: Шарофат ая Тошмуҳамедова эвараларидаврасида.

Суратли ахборот

КОРЕЯЛИКЛАР ТУҲФАСИ

Сўнгги пайтларда шаҳримиз аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида даволаш муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Бунга мисол тарзида шаҳар марказий поликлиникасига яқинда ўрнатилган янги стоматологик ускунани келтириш мумкин.

— Ушбу янги стоматологик ускуна Жанубий кореялик ҳамкасбларимиз туҳфасидир, — деди поликлиника бош шифокори Юлдуз Жўраева. — У 20 минг АҚШ доллари туради. Ушбу қимматбаҳо ускунани синаш натижаси нафақат шифокорларни, балки беморларни ҳам қониқтирди. Чунки у вақтни тежайди, энг муҳими беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга омил бўлади.

Янги ускунани поликлиника жамоасига топшириш маросимида Жанубий Кореянинг менежмент ва ҳамкорлик агентлиги директори Хан Ёнг Тэ ушбу моддий ёрдам икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшажагини билдирди.

Мурод РАҲИМОВ.

СУРАТДА: ҳамшира Инна Григорян, Хан Ёнг Тэ ва шифокор Анвар Мавлонов янги ускунани кўздан кечиришмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

Бека

ДАСТУРХОН КЎРКИ

УВАЛАНАДИГАН ХАМИР

Уваланадиган хамирни тайёрлаш учун 3 стакан ун, 1 стакан шакар, 300 гр сариғ ёки маргарин, 2 та тухум керак бўлади.

Бунда энг аввало сариёғ ёки маргарин, шакар ва тухум тоғорада яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра ун қўшиб хамир қорилади. Хамир 3-5 дақиқа тинитилгандан кейин, совутгичда ярим соатча ушлаш керак.

Хамир музхонадан олингандан сўнг 4-8 миллиграмм қилиб юпқа ёйилиши керак, акс ҳолда яхши пишмайди. Бу хамирдан турли шаклдаги печенье, пирожний, тортлар пиширишингиз мумкин.

УВАЛАНАДИГАН ТОРТ

Бу тортни тайёрлаш учун 3 стакан ун, 1 стакан шакар, 300 гр сариёғ, 2 та тухум керак бўлади.

Сариёғ, тухум ва шакар аралаштирилиб, ун солиниб хамир қорилади. Тайёр хамир уч зувалага бўлиниб, 3-4 миллиграмм қалинлигида ёйилади ва четлари текис кесилади. Ёйма ўқлоққа ўраб, қолипга ёйиб солинади ва духовкада (230-250 даражада) 12-15 дақиқа пиширилади. Ёйманинг четидан ортиб қолган хамир ҳам пиширилиб, уқалаб майдаланади ва тортнинг ён томонларига ана шу увоқлар сепилади. Пиширилган ёймалар совигандан кейин орасига крем ёғи, қуюқ мураббо, ёки повидло суртиб бирбирига ёпиштирилади. Тортнинг усти крем билан безатилиб, қанд упаси сепилади. Тайёр бўлган торт 4-5 соатдан кейин дастурхонга тортилгани маъқул бўлади.

Гулбаҳор МЎМИНОВА тайёрлади.

АЛЛА

Турмуш ташвишларидан, кундалик югур-югурларидан ҳорибчарчаб қошингга келаман. Сенинг ширин-ширин қиликларингдан, беғубор кулгуларингдан кўнглим шамчирок ёққандай ёришади, гўдагим. Қандайдир бир ором бутун вужудим узра ёйилиб, барча ғам-аламларимни унутаман, хаёлимни юз ёққа тортқилаётган кечинмаларим сехрли куч таъсирида мендан узоклашадилар-у, ўзимни қушдай енгил ҳис қиламан. Кўнглим мусаффо тортиб, сен учун куйлагим келади, сехргарим — фарзандим, гавҳарим — шамчироғим!

Ғуж-ғужинг бунча ширин,
Билмам, сенму —
қанд ширин.
Ой сенинг қошингда-ю,
Бағрингда кун яширин.
Ухла, юлдузим алла,
Ором ол, қўзим, алла.

Сен кўзсан-у, мен—киприк,
Мен — гавҳар,
сен — қорачиқ.
Ўсиб катта бўл, ўғлим,
Давронингга ярашиқ.
Алла, тойчоғим, алла.
Ухла, дўмбоғим, алла,

Ҳали ҳам уйғоқмисан,
Кел, кўзингни юма қол.
Эртак айтиб берайми,
Майли унда қулоқ сол.
Алла, тойчоғим, алла.
Ухла, дўмбоғим, алла.

Тушда «Лайло» ва «Семурғ»,
Маликаю «Уч ботир».
Осмонга қалқиб чиқди,
Юлдузхон-у — Ой Патир.
Алла, жигарим алла,
Ухла, шакарим, алла.

Алла айтар уч ботир,
Жўр бўлар маликалар,
Қанотида елпийди,
Сени гўзал парилар.
Алла, асалим, алла.
Ором ол, қўзим, алла.

Тоғлар тўсса йўлингни,
Сим-сим эшигин очсин.
Қайнар хумчалар қайнаб,
Бошингдан тилло сочсин.
Алла, болам, алла-ё.
кўрар кўзим, алла-ё.

Бошгинанг тошдан бўлсин,
Бахтгинанг бошдан бўлсин.
Она-Ватан ва отанг,
Эл-юртинг омон бўлсин.
Ухла Темурим, алла.
Қалбим ғурурим алла.

Муҳайё ҚОСИМОВА, уй бекаси.

Ниҳол

Ҳаким Назир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АРЗАНДА

(Ҳикоя)

Икки дугона бир масала устида тортишиб қолишди.

— Сен ўқишда омад бўлади деб ишонасанми? — деб сўраб қолди Замира.

— Йўқ! — деди қатъий қилиб Насиба. — Омад ҳар хил ўйинлар, лотереяларда бўлсаям, ўқишда бўлмайди!

— Нега энди?

— Негаки ўқиш ҳар кимнинг ўзига, мияси қандай ишлашига боғлиқ-да.

— Сен шунақа дейсан-у, — деди қайтариб Замира. — Мияси унча ишламасаям яхши ўқувчилар қаторида юрадиганлар бор. Ҳа, ўз орамиздаям топилади шунақаси.

— Ким экан у? — деб қизиқди Насиба.

— Мана синфимизга янги келган қизчи, Барчиной.

— Ия, ҳа, отиям, ўзиям ажойиб-а. Безанишлари худди келинчакка ўхшайди.

— Унақа дея кўрма, балога қоласан. Ўқитувчимиз Олимов эшитсалар хафа бўладила, — деб огоҳлантирди Замира.

— Қизиқсан-а! Кўрмайсанми усти-бошидаги хилма-хил, ялт-юлт кийимларини. Келинларникидан қолишадими? Қош-кўзлари-чи, худди сартарошда бўяганга ўхшаб кетади. Синф бошлиғи эканингни унутма. Ўқитувчимиз неча марта айтганлар-ку: «Мактабга пардоз-андоз қилиб, безаниб келманглар. Содда, ҳам озода бўлиб келинглар!» деб. У қизгаям айтгандирлар, дейман.

— Ўзинг айтсанг бўмийдими? — деб Насиба дугонасини мотга тутди.

Замира нима деярини билмай қолди.

— Олдин ўқитувчимиз бир нарса дермикинла деб кутиб турибман-да, — деди ўзини оқлаган бўлиб.

— Гапингга тушунолмадим, Замира! — жеркиди Насиба. — Ўзинг у қизни танийсанми?

— Ҳа, катта кўчадаги домда туради, амакимнинг қўшниси. Нариги мактабда ўқирди. Айтишича, у мактаб узоқлик қилибди. Дадаси бу мактабга опкелиб топширибди. Олимов: «Шу қизга ёрдам бергин» деб тайинладила менга. Бир-икки марта Барчиной уйимга келди. Дарс тайёрладик. Мундоқ савол-жавоб қилиб кўрсам, зеҳни паст. Унинг кундалигигаям кўзим тушувди — баҳолари ёмон. Айниқса ҳисобдан. «Нега бунчалик баҳоларинг паст?» десам, у парво қилмасдан, аввалги мактабдаги ўқитувчисини ёмонлайди. «У мени ёқтирмасди», дейди. Мен унга синамоқчи бўлиб: «Айб ўқитувчидамикин, ё ўзингдамикин?» десам, «Менда ҳеч айб йўқ» деб осмондан келади. Кейин гап ичида, дадасининг амалдорлигидан мақтаниб қолди.

— Қанақа амалдор экан? —деб қизиқди Насиба.

— Ҳалиги кока-кола, тағин алланималар сотадиган жойда, —деб кулворди Замира. Унга қўшилиб Насиба ҳам кулди.

— Бу ёғини эшит, — деди Замира. —Қизиғи шуки, Барчиной бизнинг мактабга келганидан кейин баҳолари дарров ўзгарилибди. «Икки»си «уч»га, «уч»и тўртга чиқибди. Бу энди омади келганимиди? Ана шунисига ҳайрон бўляпман.

— Омад нима қилиб юрибди! — деди Насиба. — Балки ўзинг ёрдам бераман деб, дафтарингдан кўчиртиргандирсан саҳийлик қилиб-а?

— Туҳматингни қўй! — деди Замира жеркиб. — Мен ёрдамни шунақа тушунмайман.

— Бўлмаса ошириб баҳо қўйилганини била туриб, индамай кетаверасанми? Ўрнингда мен бўлсам-чи, Олимовдан буни сўраган бўлардим.

Замиранинг дами ичига тушиб кетди. Бу шартаки дугонасининг тўппа-тўғри талабларига қарши бир сўз айтишга тили лол эди.

— Қани, бир ўйлаб кўрай-чи, — деди Замира охири бўшашинқираб.

Орадан икки кун ўтгач, у катта танаффусда Насибани бир чеккага судраб, шивирлади:

— Қизиқ иш бўлди. Эрталаб вақтли келувдим. Олимов мени кўриб, Барчинойга қандай ёрдам бераётганимни сўрадилар. Мен бор гапни яширмадим: Барчиной ўргатганларимни ҳа деганда қулоғига ололмаётгани, хаёли бошқа ёқдалиги, унга вақтим бекор кетаётганини ачиниб айтдим. Кейин Олимов ҳам очиғига кўчдилар. Айтишларича, Барчинойни отаси олиб келганда: «Шу қизимни ўқувига алоҳида эътибор берсангиз. Шу якка-ёлғиз фарзандимиз. Нозикроқ, эркароқ бўлиб ўсяпти. Онаси билан мен кўнглига қараймиз. Айтганини қиламиз. Сиз ҳам шуни ҳисобга олсангиз» деб астойдил илтимос қилибди. Шунинг учун бу қизда мактабга, ўқувга ҳавас уйғотиш чорасини кўришимиз керак», дедила Олимов.

— Бу нима деганлари бўлдийкин-а? деди таажжуби ошган Насиба.

— Тушунолмаяпман, — деди Замира елкасини қисиб.

— Мен-чи, бундай тушунаман, — деди тахмин қилиб Насиба.

— Барчинойда ўқишга ҳавас уйғотиш учун баҳоларини ошириб қўйиш керак демоқчимикинла? Шуни ўзларидан очиқча сўрай қолсанг бўлмасмиди?

Замира кўзларини пириллатиб ҳийла ўйлагач, деди:

— Сўрай дедим-ку, лекин фойдаси йўқ деб ўйладим. Ўқитувчимизни биласан-ку, кўнгиллари бўш. Барчинойнинг дадасини хафа қилгилари келмаса керак барибир.

— Нима учун? Амалидан қўрқибми?

— Қўрқиш эмас, ҳурмат қилиб...

— Ўзинг эшитаётгандирсан, синфда Барчинойнинг баҳолари тўғрисида болалар ҳар хил гап қилишяпти. Айниқса паст баҳода ўқийдиганлар. Шулар жанжал кўтаришиб юборишса нима бўлади?

Менимча, ўқитувчимизни бундан хабардор қилиб қўйиш керак. Агар бир ўзинг гапиролмасанг, икковимиз бир бўлиб гапирамиз.

Анча дадил тортган Замира:

— Майли, —деб дугонасининг фикрига қўшилди...

Кўриклар

КЕЛАЖАККА ҚАДАМЛАР

Акмал Икромов туманининг 312-мактаби қошидаги ўқувчилар техник ижодиёти қўшимча таълим мажмуасида техник ижодиёт бўйича шаҳар миқёсида иқтидорли болалар слёти ўтказилди.

Техник ижодкорликни янада ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу слётда туманлардаги худди шундай беллашувларда ғолиб деб топилган ўқувчилар иштирок этишди. Шаҳар ўқувчилар техник ижодиёти қўшимча таълим мажмуаси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан уюштирилган слётда иштирокчилар ташкил этилган бошланғич техник моделлаштириш, ёш тадбиркор, ёш техник ижодкорлар республикамиз келажаги, келажак лойиҳалари сингари бўлимларда ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Айниқса, келажак лойиҳалари бўлими иштирокчиларининг беллашуви қизиқарли ўтиб, барчанинг диққатини тортди. Негаки бу бўлимда ўқувчилар 2000 йилдан кейинги шароитни ҳисобга олиб, ўзлари ихтиро қилган машина ва уйларнинг лойиҳалари ҳамда рефератларини намойиш этишди. Келинг, уларнинг мулоҳазаларини эшитайлик.

• Темур Азизов, Ҳамза туманидаги 149-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Мен мана шундай слётда учинчи маротаба иштирок этишим. Аввалги слётларда ёш техник ижодкорлар республикамиз келажаги бўлимига қатнашиб, биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллар эдим. Бу йил йўналишимни ўзгартириб, келажак лойиҳалари бўлимида «XXI аср уйи» дея номланувчи лойиҳа билан иштирок этяпман. Айнан шу лойиҳани танлаганим бежиз эмас, чунки бу йил республикамизда Оила йили деб эълон қилинди. «XXI аср уйи» да барча ишлар техникалаштирилган бўлиб, юмушлар компьютер зиммасига юклатилган.

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлади. Бошланғич техник моделлаштириш бўлими бўйича Юнусобод ўқувчилар техник ижодиёт марказининг қатнашчиси, 246-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Артём Коньков, ёш тадбиркорлар бўлимида юнусободлик 258-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жаҳонгир Нурмуродов, ёш техникларнинг республикамиз келажаги бўлими иштирокчиларидан Ҳамза тумани ўқувчилар техник ижодиёт марказининг радио-техника тўгараги қатнашчиси Алексей Лошкарёв, келажак лойиҳалари бўлимидан эса Ҳамза туманидаги 149-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Темур Азизовлар биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Туманлар миқёсида эса Ҳамза тумани ўқувчилари гуруҳи ғолиб деб топилиб, уларга фахрий ёрлиқ ва махсус кубок топширилди. Биринчи ўринни эгаллашга мушаррраф бўлган ўқувчилар республика слётида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Нигора НАЗАРОВА.

Хорижда

НОЁБ УСУЛДА

Қуддус университети қишлоқ хўжалик факультети олимлари ноёб усул ёрдамида туяқушларнинг тухум қўйишини анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Туяқуш гўштини етиштириш бугунги кунда ривожланаётган иқтисодий тармоққа айланаётгани ҳисобга олинса, бу ғоят долзарб бўлиб бормоқда.

Туяқушларни етиштириш билан шуғулланаётганлар уларни кўпайтиришни назорат қилишда жиддий муаммога дуч келмоқдалар: уларнинг тухум қўйишини кўпайтиришга бўлган уринишлари натижа бермаяпти. Гап хатти-ҳаракатини олдиндан айтиш қийин бўлган ҳужумкор ва айни пайтда ҳуркак ёввойи ҳайвон ҳақида бормоқда.

Туяқушларни кузатиш ва улар билан тажриба ўтказиш даврида қафасларга қўғирчоқ-туяқуш модасининг тулуми жойлаштирилган, олимлар унинг ёрдамида туяқушлар нарларининг жинсий иштиёқини рағбатлантиришга уринишган. Олимларнинг фарази тасдиқланди — туяқушлар қочиришга бўлган сигнални қабул қилдилар. Ҳозирги пайтда Реховотда жойлашган қишлоқ хўжалик факультетининг лабораторияларида туяқуш қўғирчоғи моделини техник жиҳатдан такомиллаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Туяқушлар устидаги тажрибаларни Асаф Невот ўтказмоқда, унга доктор Исраэль Розенбойим, доктор Гади Габрияху, профессор Нахум Снапир ва профессор Алан Даган маслаҳат беришмоқда.

МАНГУСТА СИРИ

Киплингнинг «Рикки-Тики-Тави» ҳикояси билан кўпчиликка таниш бўлиб қолган кичик ва чаққон мангусталар заҳарли илонлар билан олишувда ғолиб бўлишга қодирликлари билан машҳурдир.

Ҳозиргача улар бу ғалабаларга илоннинг чақишидан ўзини олиб қочишга ёрдам берадиган ғоят тез ҳаракатлари туфайли эришадилар, деб ҳисоблаб келинарди. Эндиликда исроиллик олимлар унга илон заҳари таъсир этмаслигини аниқладилар.

Илон заҳарининг асосий таркибий қисмини альфа-нейротоксин деб номланадиган модда ташкил этиб, унинг молекулалари мушак ҳужайраларига таъсир қилади ва уларга бўшашиш асаб сигналларини қабул қилиш имконини бермайди. Бундай тўсқинлик мушакларнинг мунтазам қисқариши ёки фалажликни келтириб чиқаради, нафас олиш мушакларининг фалажи эса мангусталардан ташқари ҳамма сутэмизувчиларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Реховотдаги Вейцман институтидан профессор Сара Фукс раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи бунинг сабаби билан қизиқиб қолдилар ва у мангуста мушаклари юзасидаги молекуляр рецепторларнинг алоҳида тузилишини аниқлашга муваффақ бўлди. Мазкур рецепторлар шундай юзага эгаки, илон заҳари молекулалари уларга маҳкамланиб ва мушакни фалаж қилиб қўйишга қодир бўлмайди.

Сара Фукс гуруҳи бу тадқиқотларни давом эттириб, шунга ўхшаш хусусиятлар илонларнинг ўзларидаги рецепторларга ҳам хос эканлигини аниқладилар, илонларга бошқа илонларнинг чақиши таъсир этмаслиги шу билан изоҳланади. Тадқиқотчилар мангустадаги бу рецепторларни ўзгартириб ўз тахминларини тасдиқладилар, унга худди оддий сичқондек илон заҳари таъсир этадиган бўлиб қолди. «Биз мангустани амалда сичқонга айлантирдик». Энди оддий рецепторларни ўзгартиришнинг шундай усулини топиш керакки, у ҳам илонларнинг чақишига таъсирсиз бўлиб қолсин. Реховотлик олимлар бу йўналишдаги ўз ишларини давом эттирмоқдалар. Бундан ташқари улар фақат альфа-нейротоксин эмас, илон заҳари бошқа бирикмалари таъсири асосини ташкил этувчи, ҳозирда номаълум бўлган бошқа молекуляр механизмларни изламоқдалар. Бу тадқиқотларнинг муваффақияти одамлар ҳам илон чақишидан кўрқмайдиган вақтни яқинлаштириши мумкин.

Асримиз бошидаёқ жаррохлар инсон тана аъзоларини мураккаб операция қилар эдилар. Лекин ўша вақтда уларда тананинг баъзи аъзоларини бир одамдан иккинчисига кўчириб ўтказиш учун тажриба ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Чунки кўчириб ўтказилган аъзо ёки тўқима янги танада ишлаб кетиши учун реципиент (аъзо ўрнатилган одам) танаси бу янги «меҳмон»ни тўсиқсиз қабул қила олмасди.

Табиат қонунига асосан агар бегона аъзо иккинчи танага кўчириб ўрнатилса у одам танасида янги аъзога қарши кураш бошланади ва янги аъзо ёки тўқиманинг яллиғланишига сабаб бўлади. Бу эса инсонни ҳалокатга дучор қилади. Шунинг учун тиббиёт ҳамда бошқа соҳа олимлари биргаликда бир-бирига мос келмаган янги аъзо реципиент танасида ишлаб кетиши учун янги антибиотиклар ҳамда янги сунъий суюқликлар, тананинг айрим ҳужайралари клапанларини ва бошқа майда жисмларни тайёрладилар. Бу эса трансплантацияга асос солди.

1954 йили жаҳонда биринчи марта Америка Қўшма Штатларининг Бостон клиникасида машҳур жаррох Ж. Мюррей 23 декабрь куни эгизакларнинг бири — Роналд Херрик юрагини акаси танасига кўчириб ўрнатди ва реципиент кўчирилган юрак билан 8 йил умр кўрди. Бошқа америкалик шифокор Д. Томас бутун умрини лейкемия — қон раки билан курашга бағишлади. У ўз тажрибаларида орқа мия суюқлигини бошқа одамга кўчириш фақат эгизакларда ижобий натижа беришини исбот қилди ва у жаҳонда биринчи марта 1956 йили орқа мияни реципиентга кўчириб, ижобий натижага эришди. 1990 йили Ж. Мюррей ва Д. Томас тиббиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Тана аъзоси ва унинг тўқималарини кўчириш бўйича Россия олими В. Демидовнинг амалий тажрибалари жаҳон трансплантология соҳаси олимларига амалий қўлланма бўлди. Жаҳонда биринчи марта 1963 йили юракни бошқа одам танасига кўчирган Жанубий африкалик машҳур жаррох Кристиан Бернард Демидовни ўзининг устози деб билди ва са-

Турфа олам

БУЙРАК САВДОСИ

ёки тана аъзоларини кўчириб ўтказишнинг тижоратга айланаётганлиги ҳақида

мимий миннатдорчилигини олим ҳузурида изҳор қилди. 1991 йили Лос-Анжелесдаги бир ҳодиса жаҳонда катта шов-шувга сабаб бўлди. Эйба ва Мери Айала оиласида ўн беш ёшли қиз Анисса қон раки билан касалланади. Бу дарднинг битта давоси бор эди, у ҳам бўлса беморга мос келадиган тананинг орқа мия суюқлигини кўчириб ўтказиш эди. Жаррох бунинг учун фақат шу ота-онанинг бошқа фарзандидан орқа мия суюқлигини кўчириш лозимлигини айтади ва операциянинг муваффақияти бор-йўғи 50 фоиз эканини билдиради. Она 15 ёшли қизи Аниссанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун яна бир фарзанд кўриши керак эди.

1990 йилнинг апрелида ушбу оилада Марисса исмли қиз дунёга келади ва 14 ойли бўлганда чақалоқни госпиталда дори билан ухлатиб, орқа мия суюқлигини тортиб оладилар. 20 дақиқадан сўнг идишга қизғиш суюқлик — пулпа йиғилади. Аниссани операцияга тайёрлаш жуда мураккаб эди, чунки унинг орқа миясидаги суюқлик рентген нурлари билан ўлдирилиши лозим эди. Қизнинг сочлари тўкилиб камқон бўлиб қолди. Операциядан кейин Анисса секин-аста ўзига келиб, чиройли сочлар ўсиб чиқди, терисининг ранги аввалги ҳолига қайтиб кўзлари чақнаб турарди.

Техасда яшайдиган Жон ва Тереза Смитлар оиласида қиз туғилди, лекин жигари оғир касаллиги сабаб у ҳалок бўлиш арафасида эди. Ота-она мурожаат қилган клиникада шифокорлар ҳозир донор йўқлигини, операцияни эса кечиктириб бўлмаслигини, агар хоҳласалар қизнинг онаси Терезанинг жигаридан кесиб олиб, қизчага ўрнатиш мумкинлигини айтишди. Онаси рози бўлди ва 1989 йили Чикаго университетининг тиббиёт марказида 14 соат давом этган операция давомида жигарининг чап бўлагини кесиб олиб қизчага ўрнатдилар. Беморда қон кетишини тўхтатиш учун яна уч марта қайта операция қилишди, натижада қиз соғайиб кетди. Бу жаҳон табобати тарихида биринчи жигар трансплантацияси эди.

Ҳозирги олимлар хулосаларига кўра, одам жигар тўқималарининг 75 фоизини йўқотса ҳам бемалол яшаши мумкин экан. Америка Қўшма Штатларида 1982 йилда беш ярим минг буйрак кўчириб ўтказилган бўлса, ҳозир йилига бу миқдор 10 мингдан ошиб кетди. Шу мамлакатнинг ўзида тана аъзосини кўчириб ўтказганлар сони 20 мингдан ортди.

Аммо бутун дунёда буйрак савдоси борган сари авж олаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Агар Токиода буйрак 45-50 минг доллар турса, Бомбай ёки Мадрасда 1,5 минг долларга баҳоланмоқда. Матбуотда Санкт-Петербургда бир йигит Америкада ўз буйрагини сотиб, янги автомобиль ва 30 минг долларлик чек дафтарчаси билан қайтиб келганлиги хабар қилинди. Хулласки, жаҳонда буйрак сотиш унинг корчалонларига битмас-туганмас бойлик келтирмоқда...

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Ҳамшаҳримиз Фарида Шерматова фарзандни баркамол тарбиялашда унда турли кўникмаларни шакллантириш лозим деб ҳисоблайди. Шунга кўра ўзи ҳам тўрт фарзандни турли юмушларга, хусусан тикиш, тўқиш, гул парваришлаш, уйни тартибга келтириш ишларига уқувли қилиб тарбияламоқда.

СУРАТДА: Фарида Шерматова кичик ўғли Фарҳодга гул ўстириш сирларини ўргатмоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

Тошкент аэропорти ва «Шимолий» темир йўл вокзалидаги божхона бўлинмаларининг ходимлари чет эл валютасининг ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқилишини тўхтатиб қолдилар.

Қонунни четлаб ўтмоқчи бўлганлар не-не усулларни ўйлаб топмайди, дейсиз! Масалан, «Тошкент — Москва» поездига чиққан Россия фуқароси Н. Самочернова ўз ички кийимлари орасига яширган 5000 АҚШ долларини ҳеч ким топа олмайди, деб ўйлаган бўлса керак. Худди шунга ўхшаш, «Тошкент — Омск» поездининг қинғир ўйли йўловчиси бўлган яна бир Россия фуқароси Василий Гайтоненко ҳам нақ 6441 АҚШ долларини рўмолга ўраб, ичдан белга боғлаб олибди.

«Москов сафари»га йўл олган олмаликлик Гулфира Мирҳайдарова ҳам божхона баённомасида қайд этилмаган 1500 АҚШ долларини ички кийимлари орасига яширган экан. Афсуски, салкам олтмиш ёшни қоралаган бу онахон ёшларга ҳалоллик ҳақида ўгит бериш ўрнига ўзлари ножўя ишда уларга «ўрнак» бўлишдан ор қилмаптилар.

«Тошкент — Москва» поездида юртига қайтаётган Россия фуқароси Галина Ивановская ўзини «ғариб-гина» кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳар ҳолда у томонидан тўлдирилган божхона баённомаси кишида дастлаб шундай таассурот қолдиради-да. Лекин унинг қўл юклари орасидан баённомада кўрсатилмаган 2755 АҚШ доллари топилгандан кейингина талвасага тушиб

Божхона

ҲИЙЛАЛАРИ ЎТМАДИ

қолди. Албатта, у ўз қилмишини турли баҳона-сабаблар билан изоҳламоқчи бўлди, лекин қонунни ошкора бузишга уни нима ундаганини айтолмай тураверди.

Қинғир ишдаги «топқирлик»да ҳамшаҳримиз Алижон Камоловнинг олдига тушадигани кам экан. 1964 йилда туғилган, ўзининг айтишича «вақтинча ишламайдиган» Алижон «Тошкент — Шаржа» йўналишидаги самолётга чиқиб, Бирлашган Араб Амирликларига отланган экан. Ўзи билан «Супер» маркали чангютгичини ҳам олволибди. Самолётдаги йўловчиларнинг юкларини божхона кўригидан ўтказиш чоғида текширувчилар Алижоннинг «Супер»и билан кутилмаганда қизиқиб қолдилар. Шубҳага асос бор: Шаржада наҳотки оддийгина чангютгич топилмаса? Тўхтанг-а, бу ерда бошқа бир гап бор-ов! Қурилманинг ичи очиб кўрилганда ҳамма нарса аён бўлди. Чангютгич ичига божхона баённомасида кўрсатилмаган 12.370 АҚШ доллари яширилган экан.

10 миллион рублнинг оғирлиги қанча бўлади? Ҳажми-чи? У кўп жойни эгаллайдими? Буни ҳамма эмас, фақат шунча пул билан «иш қилиб» юрганларгина яхши биладилар. Масалан, юнусободлик Ш. Шоазимовага миллионлар билан ишлаш одатий иш. Ахир пулни пул топади, деганларидек, Россияга бир бориб келса, сарфланган маблағ камида икки ҳисса бўлиб қайтишини у яхши билади. Аммо ишлари доимо қонун доирасида бўлиши кераклигига кўпда эътибор бермайди. «Тошкент — Москва» поездига чиққан Шаҳлонинг ёнидан нақ 11 миллион Россия рубли топилганида у нега бу пулларни божхона баённомасида кўрсатмаганлигини тушунтириб бера олмади...

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ҳозир тегишли суриштирув ишлари олиб бориляпти.

Миркарим МИРСОВУРОВ, Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Биласизми?

ҚОҒОЗ СТАКАН ТАРИХИ

Қоғоз стаканчалардан турмушда кўп фойдаланамиз. Ҳар куни бўлмаса-да, ҳар замонда дўкондан қаймоқ оламиз ёки болаларимизга қоғоз стаканга солинган музқаймоқ олиб берамиз. Нафақат улар, ҳатто ўзимиз ҳам маза қилиб еймиз, идишини эса мижиғлаб ташлаб юборамиз. Уни ким ихтиро қилганлиги хаёлимизга ҳам келмайди.

Унинг муаллифи оддий гумашта — коммивояжер (хусусий корхона ёки фирма маҳсулотларидан нусха кўрсатиб, шаҳарма-шаҳар буюртма тўпловчи вакил) Давид Р. Картин бўлади.

У иш юзасидан кўп шаҳарларга борди. Бир сафар иссиқдан лоҳас бўлиб, чарчаб Канзасга келади. Чала ювилган шиша стаканда сув ичаётиб ўйлаб қолади: «Бунақа кир стаканда қанча-қанча сув ичиб юбордим-а? Бир марта ишлатиладиган стакан яратилса бўлмасмикан? Балки бу шиша стаканлар қимматга тушаётгандир?» Шу пайт унинг эсига қоғоз келган. Қисқаси қоғоз стакан дунёга келди.

СУВ ОСТИДА ХОККЕЙ

Аслида бу ўйин бундан 30 йиллар муқаддам англиялик спортчи ғоввослар томонидан ўйлаб чиқарилган. Бироқ ҳали унча оммавийлашмаган.

Шунинг учун спортнинг бу тури олимпиада ўйинлари қаторига киритилмаяпти. Аммо шундай бўлсада, бошқа мамлакатларда аста-секин жорий этилмоқда.

Энди ўйинни ўтказиш ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак ҳар бир командада 6 нафардан ўйинчи бўлади. Улар акваланг (сув остида бемалол нафас олиб сузишга имкон берадиган кийим) кийиб оладилар. Хоккей таёқчаси ёғочдан ёки пластмассадан ясалади, шайба эса металлдан. Ўйин ҳовуз тубида ўтказилади. Сув жуда тиниқ бўлиши, сув ости чироқ нури билан ёритиб турилиши керак. Ана шунда ишқибозлар ўйинни бемалол томоша қилишлари мумкин.

КАПАЛАКЛАР ФЕРМАСИ

Филиппи́ннинг Мариндук вилоятида капалаклар боқиладиган алоҳида ферма ташкил этилганига ҳам анча бўлиб қолди. Фермада 9 турдаги капалаклар етиштирилади.

Ферма асосан Европа мамлакатлари, АҚШ ва Японияннинг буюртмасини бажаради. Бу давлатлар капалакларнинг ҳар бирини 1—5 доллардан сотиб олишади. Танга гуллилари эса қиммат туради — 30 доллар.

Фермада етиштирилган капалакларнинг 10 фоизи табиат қўйнига қўйиб юборилади. Бу эса табиатни муҳофаза этиш ишига қўшилган катта улушдир.

Гўзал ХОЛИҚОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИШГА МАРҲАМАТ!

АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ МЕҲНАТ БИРЖАСИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАШИШГА ЁРДАМ КЎРСАТАДИ:

1. Тўқувчи — маоши 3500 сўм
2. Кондуктор — маоши 4500 сўм
3. Слесарь ЗУ-РиОТВ — маоши 3000-4000 сўм
4. Ҳайдовчи (Д-тоифа) — маоши 9000—10000 сўм
5. Ҳайдовчи (ҳамма тоифалар) — маоши 5000-8000 сўм
6. Бўёқчи-сувоқчи — маоши 8000 сўм
7. Бош муҳандис — маоши 5000—11000 сўм
8. Бош ҳисобчи — маоши 9800 сўм
9. Дурадгор (3-5 тоифа) — маоши 8000 сўм
10. Юк ташувчи — маоши 8000 сўм
11. Чилангар-сантехник (3-4 тоифа) — маоши 2560 сўм
12. Тарбиячи — маоши 1734 сўм
13. Электрпайвандчи — маоши 4000-5000 сўм
14. Фаррош — маоши 1500-2000 сўм
15. Врач — маоши 2000-2200 сўм
16. Котиба (ўзбек тили) — маоши 1500-3500 сўм
17. Электромонтёр (3-4 тоифа) — маоши 6000 сўм
18. Ер ҳайдовчи — маоши 3500 сўм
19. Ишчилар — маоши 2000 сўм
20. Кўкаламзорлаштирувчи — маоши 2000 сўм
21. Бўлим бошлиғи — маоши 3000-6000 сўм
22. Ўқитувчилар — маоши 2000-2700 сўм

Шунингдек, бир қатор бошқа ихтисосликларга ҳам ишга жойлашиш мумкин.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, «Москва остонаси» бекати, 22-мавзе, 7-уй, 6-хона. Телефонлар: 74-58-91, 74-99-17.

Тошкент оқшоми

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-, 208-ХОНАЛАР.

Яккасарой туманида планли уй СОТИЛАДИ. Газ, канализация, телефон, сауна, сув ҳавзаси мавжуд. Тел: 50-88-92.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ректорати, касаба уюшмаси 2-акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Д. Ф. Каримовага ўғли **ТЕМУРЖОНнинг** бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-01051. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5